

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил махсус сон**



125	Boshlang'ich sinflarda ingliz tilini o'qitishda, multimedia darsliklarining ta'lim tizimida tutgan o'rni. Valiyeva Sh.A, Garroqov B. ....	597
126	Талабаларда жисмоний тарбияга қадриятли муносабатларини ривожлантиришга хос малака ва кўникмаларни юксак даражада самарали йўлга қўйилиши Назаров А.Т. ....	599
127	Картографическая грамотность - признак географической культуры Абдурахмонов Б.М. ....	603
128	Бўлажак тарбиячиларда касбий компетентликни ривожлантириш омиллари Абдусаматова Н.Ж. ....	609
129	Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш йўллари Аъзамова Б.М. ....	613
130	Nanotexnologiyalar bo'yicha ta'lim olishga talab Borisova V.A. ....	616
131	Методика преподавания категории рода существительного в начальных классах. Дедаханов А.М. ....	623
132	Китоб –маърифат чироғи Муминова Д. А. ....	626
133	Davlat tiliga e'tibor va uning oliy ta'lim texnika yo'nalishlarida o'qitilishi Shermatova D.Y. ....	633
134	"Нутқ нуқсонли болалар диққатининг хусусиятлари" Жўраев М.М. ....	637
135	Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мақсадли бошқаришга замонавий ёндашувлар Маҳмудова З.Х. ....	642
136	Talaba sportchilarning portlovchi kuchini rivojlantirish usullari Qambarov S.S. ....	647
137	Die bedeutung und dasgebrauch der it beim sprachlernen Mamashajeva M. ....	651
138	Шахс ижтимоийлашуви жараёнида жисмоний маданият ва спортнинг ўрнига доир Мадаминов Б.Ш. ....	655
139	Тафаккур жараёни, ақлий ҳаракат усуллари ва танқидий фикрлашга ўргатишнинг ўзаро алоқадорлиги Тажибоева Г.М. ....	659
140	Талабаларда таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга замонавий ёндашув Қорабоева З.Т. ....	664
141	Олий таълим талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш мазмуни. Қодирова З. ....	669



келгуси фаолиятларида таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш қобилиятларига эга бўлишларини кафолатлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5198-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига 1-Илова.
3. 5111800-Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги №484-сон буйруғи.
4. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. –Т.: “VORIS-NASHRIYOT”. 2006. - 263 б.
5. Томилов Ҳ.К., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. –Т.: «Фан» нашриёти, 2006 й. 261 б.
6. Қодирова Ф.Р, Тошпўлатова Ш.Қ, Каюмова Н.М., Агамова М.Н. “Мактабгача педагогика” Т.: Тафаккур, Т- 2019. Дарслик.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАЛАБАЛАРНИНГ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ  
МАЗМУНИ.**

НамДУ PhD. З.Қодирова.

*Аннотация: Бугунги кун тарбиячиларининг касбий фаолиятга тайёрлигида бўлажак тарбиячи мутахассис учун олий таълим муассасасида таълим олиш жараёни – педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишида касбий жиҳатдан аҳамиятли саналган амалиётнинг узлуқсизлиги ва изчиллиги уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва келажакда ўз фаолиятини ташкил этишида уларни самарали қўллаш йўллариини ўрганиш каби хрлатларни ўзида мужассам этиришни назарда тутади.*

**СОДЕРЖАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ СТАЖИРОВОК СТУДЕНТОВ В ВЫСШИХ  
УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ.**

НамГУ PhD. З.Қодирова.

*Аннотация: Процесс обучения в современном вузе будущих педагогов при подготовке педагогов к профессиональной деятельности - предметность и последовательность профессионально важных практик в успешном осуществлении педагогической деятельности, включая создание их логической структуры и изучение способов и использования их эффективно в будущей деятельности подразумевает.*

**THE CONTENT OF THE ORGANIZATION OF INTERNSHIPS FOR STUDENTS IN  
HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS.**

NamSU PhD. Z. Kodirova.



*Annotation: The process of teaching future teachers in today's university in preparing teachers for professional activity - the continuity and consistency of professionally important practices in the successful implementation of pedagogical activities, including the creation of their logical structure and the study of ways to use them effectively in future activities, implies.*

Таълим соҳасида олиб борилаётган ва аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини тубдан тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2021-йилларда мактабгача таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2016 йил 29 декабр) қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Ўзбекистонда “... мактабгача таълим муассасаларнинг мўддий-техника базасини мустаҳкамлаш; мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш; болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш; таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш; болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш”<sup>67</sup> йўналишлари бўйича пухта режалар ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди.

Бу йўналишда амалга ошириладиган муҳим тадбирлар қаторида мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, бой миллий меърос, шунингдек умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб, вояга етказиш вазифалари ҳам белгиланган. Шундай экан, баркамол шахсни тарбияловчи замонавий тарбиячи қандай талаблар асосида етук мутахассис бўлиши керак.

Олий таълим муассасаси талабаларининг шахсий ривожланиши, улар ижтимоий-шахсий қизиқишларининг касбга йўналганлиги, мустақил фикрлашлари, ижодкорликлари, фаолликлари, дунёқарашларининг турғунлашуви ва ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжларини шаклланиши каби ҳолатлар билан тавсифланади. Бўлажак тарбиячи мутахассис учун олий таълим муассасасида таълим олиш жараёни – педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамиятли саналган сифат, билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва ўз-ўзини тақомиллаштиришга қаратилган. Олий таълимда талаба берилган билимларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва келажакда ўз фаолиятини ташкил этишда уларни самарали қўллаш йўллариини ўрганиш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради.

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021-йилларда мактабгача таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2017 й. 1 январ, № 1-сон (32.216).





Олий ўқув юрти мактабгача таълим йўналишларида талабаларнинг педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммоси юзасидан олиб борилган кўплаб илмий тадқиқот ишларида талабаларни касбга йўналтириш, маънавий тасаввурларни шакллантириш, бу жараёнда халқ педагогикасидан унумли фойдаланиш, ўз-ўзини тарбиялаш нуқтаи-назаридан бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари ёритилган бўлиб, бу масалалар педагог ва психолог олимлар - Д.А.Абдурахмонова, С.У.Бичурина, Л.Зарилло, М.А.Каардакова, К.Х.Рахимова, К.Тошпўлатов, К.Тошбоева, В.А.Кан-Калиқ, М.К.Тутушқина, П.А.Шавер, М.Г.Давлетшиқ, Э.Ғ.Ғозиев, Р.З.Ғайнутдинов, А.Жабборов, М.Каримоваларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш масалалари борасида бир қатор олимлар Ф.Қодирова, М.Расулова, З.Ибрагимова, Л.Чаброва, М.Нурматова ва бошқалар “Мактабгача таълим ташкилоти “Концепцияси”, “Мактабгача ёшдаги болаларни таълим-тарбиясига қуйиладиган давлат талаблари”, касбий меъёрий ҳужжатларнинг янги авлодини яратганлар.

Олий таълим талабаларнинг педагогик амалиётини ташкил қилиш мазмуни ва амалга ошириш технологияси ҳақидаги дастур ва қўлланмалар М.Ҳайдаров, О.Ҳасанбоева, Б.Ҳасанова, Б.Ҳолдоров, П.Пўлатова, Ш.Тошпўлатова, М.Юлдашевлар томонидан яратилган асарларда ўз ифодасини топган.

Назарий манбалар мазмуни билан танишиш, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва далиллارни таҳлил қилиш бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётни ташкил қилиш технологияси бўйича илмий ивланишлар олиб борилмаганлигини кўрсатди. Zero танланган мавзу педагогика назарисида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолар сирасига киради. Шунингдек, тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган педагогик амалиёт дастурлари, ўқув қўлланмалар, педагогик диагностика ва амалда қўлаб келинаётган тестлар бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётни ташкил этиш технологияси даражасини аниқлаш жараёнини мувоффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

Тадқиқот жараёнида бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиёт муаммосининг ҳолатини аниқлашга оид кўплаб манбалар ўрганилди ва шу асосда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- олий педагогика университетларга қабул қилинган талабаларни танлаган касбига муносабатини аниқлаш.
- ўқув жараёнида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ДТСларнинг имкониятлари.
- талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиёт тизимини мақбуллиги.
- амалиёт ўтказувчи мактабгача таълим ташкилотларининг талабалар амалиётини ўтказишдаги педагогик шарт-шароитлар.
- педагогик амалиёт мазмунининг ахборот технологиялари билан уйғунлиги.

Юқоридаги таҳлил 1-курс талабаларининг 80% ота-оналарининг кўрсатмалари билан тарбиячилик касбини танлаганликларини кўрсатди. Бундай ҳолат қуйидаги вазифаларни белгиланишига асос бўлди:



- 1-босқич талабаларининг касбий фаолиятга бўлган муносабатларини тўғри режалаштириш;
- тарбиячилик касбий фаолият мазмунини тўғри таҳлил этиш;
- талабаларга касбий бурч ва масъулият моҳиятини аниқлаштириш
- ахборот технологиялардан фойдаланиш малакасига эга бўлиш.

Мақтабгача таълим йўналишидаги ДТСларни мазмунини ўрганиш ва таҳлил этиш орқали ушбу ҳужжатнинг талабаларни тарбиячилик фаолиятга йўналтириш имкониятлари ўрганилди. Ўрганиш давомида малака талабаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда 2-3-босқич талабаларининг педагогик амалиётини ташкил этишда мақтабгача таълим ташкилотларида амалиёт ўташлари ва 3-босқичга келиб мақтабгача таълим ташкилотларининг бошқарув фаолиятларини ўрганиш ва педагогика билим юрғларида мутахассислик фанларидан амалиёт ўтказилса мақсадга мувофиқ бўларди бу эса олий таълим муассасаси “Мақтабгача таълим йўналиши”и талабаларнинг касбий фаолиятни кенг тасаввур қилиш, ҳамда малакавий амалиётда касбий сифатларни танланганлигини намойиш қилиш янада кенгрок имкониятини яратилган бўларди.

Тадиқикот доираси ўрганилганда педагогик амалиёт дастурларининг таҳлимига кўра, дастурларда бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммоси етарлича ҳал этилмаганлиги аниқланди.

“Мақтабгача таълим йўналиши” ўқув режасига кўра кредит модуль тизимида 1-босқичда талабаларни касбга йўналтирувчи “Мақтабгача педагогика”, “Мақтабгача таълимни қийсий педагогикаси” ва бошқа ижтимоий фанлардан назарий билимлар берилди холос, Бу эса талабаларда амалиётни кузатиш имкониятининг мавжуд эмаслиги талабаларда назарий билимларни ўзлаштириш шу сабабли касбий билимларга эга бўлмасликларига сабаб бўлади. Кузатишларга асосланиб, 1-босқичда талабанинг касбий фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган, педагогик амалиётнинг мазмун, моҳиятини тўлиқроқ ёритувчи тренинг, суҳбат, конференция ва турли тадбирларни ўтказишни йўлга қўйилиши, “Мутахассисликка кириш” курсини ўқитишга эътибор қаратилиши ва 1-босқич талабаларининг педагогик амалиёт йўлга қўйилса талабаларнинг касбий фаолиятга ёндашишда янада самарали бўлишини таъминлайди деган хулосага келинди.

#### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т. “Ўзбекистон”, 2017 й. – 45-б.
2. “Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти”  
Тошкент. 2020 йил.
3. “Ўзлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”  
Тошкент. 2019 йил.
4. Қодирова Ф. Мақтабгача педагогика дарслик.-Тошкент. Тафаккур, 2019й.

